

## **ЎЗБЕК ТИЛИ ТАРИХИ УСТҚУРМАСИ**

**Қодиров Зиёиддин Мамадалиевич**

филология фанлари номзоди, доцент

Андижон давлат университети

Тарих тушунчаси объектив борлиқ (“ўн саккиз минг олам”), тириклик, инсоният ҳаётининг барча жабҳаларига тааллуқли ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Жорийдаги ўзбек тилининг изоҳли луғатида тарих сўзини арабча (ўтмиш, давр, вақт, эра, сана, тарих) сўз эканлиги ва бугунги ўзбек тилида ўнга яқин семантик гуруҳлардаги тушунчаларни ифодалаш айтилади. Ўзбек миллатининг яқин тарихи вакили ва мутафаккири Абдулла Қодирийнинг “Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлидир” башорати тарих (умумий маънода) тушунчасининг инсоният ҳаётининг барча соҳаларида – миллат, ватан, давлат, дин, маънавият, маданият, санъат, илм-фан, табиат... – муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради. Тарих “чегараланмаган чегара”га асосланган илмий ҳақиқат ҳисобланади. Масалан, дунёнинг яратилиши тарихи, инсоният тарихи, илм-фаннинг вужудга келиши тарихи...

Инсон тафаккурини ўзи яшаб турган замон, давр тафаккури бошқаради. (Агар замондан ўзиб кетсангиз, Улуғбек, Насимий, Машраб, Бехбудий, Фитрат, Қодирий... тақдири, агар замондан ортда қолсангиз...) (Дунё илм-фан, маданиятининг бешиги бўлган Ҳиндистонда эри ўлган хотинларни тириклайин эрига кўшиб куйдирилди, исломдан олдинги араб мамлакатларида эри ўлган хотин эрига кўшиб кўмиларди. Юнонистонда гладиаторлар жангида мағлубга томошабинлар – эркак-аёл, ёш-қари, олим-оми – томонидан “ўлим ҳукми” ўқиларди. Жоҳилият Арабистонида туғилган чақалоқ қизлар тириклайин кўмилар эди.)

Ўзбек тили тарихи, ҳеч шубҳасиз, ўзбек миллатининг тарихи билан чамбарчас боғланган. Абдулла Авлоний айтгандек: “Миллатнинг ҳаётини кўрсататурган ойнаи жаҳони тили ва адабиётидир”, “Миллий тилни йўқотмоқ – миллат руҳини йўқотмоқдир”.

Ўрта Осиёда туркий халқларнинг келиб чиқиши ва миллат сифатида шаклланиши, уларнинг тилларининг келиб чиқиши ва умумтил сифатида шаклланишининг илдизлари эрамиздан аввалги III – I мингинчи йилларга тақалиши мутахассислар томонидан эътроф этилгани ҳеч кимга сир эмас, лекин туркий халқларнинг қайси тилда сўзлашганини аниқлаш бугунги кун туркийшуносларнинг энг мураккаб муаммоси десак, хато бўлмас. Мазкур муаммога доир ибтидоий маълумотлар қадимги хитой, эрон, юнон, араб манбаларида учрайди. Қадимги хитой солномаларида эрамиздан аввалги III – I

йиллардан бошлаб Кушон, Эфталит, Бактрия, Суғд, Парфия, Марғиёна, Паркана каби давлат ва ўлкалар ҳақида маълумот берилади.

Милодий VI—VIII асрлар турк хоқонлиги даври деб тан олинади. Бу хоқонлик таркибига Ўрта ва Марказий Осиё, Мўғулистон ва Қозоғистон ўлкалари кирди. Мазкур турк хоқонлиги икки хоқонликка бўлинади: Шарқий хоқонлик (Мўғулистон) ва Ғарбий хоқонлик (Етгисув вилояти). Ғарбий хоқонлик қарлук, халаж, қанғли, тургеш, чигил, ўғуз уруғ бирлашмаларидан иборат эди. Кейинроқ Ғарбий хоқонлик ҳам емирилиб, таркибидаги ўғуз ва қарлуқлар ажралиб чиқиб, алоҳида ўз давлатларини ташкил этди ва туркий хоқонликларнинг асосий негизи шу даврдан бошланади.

Ислом давлати ва ислом динининг ёйилиши Ўрта Осиё халқлари учун VIII аср бошларига тўғри келди ва туркий халқлар ҳаётида жиддий ижобий ўзгаришларга олиб келди. Араб халифалиги Ўрта Осиёда икки юз йилча ҳукмронлик қилди, IX— X асрларда (878 йилдан бошлаб) давлат бошқаруви Сомон Худод бошчилигидаги Сомонийлар кўлига ўтди. Бу даврда туркий халқлар ислом динини қабул қилган, дин тили араб тили, давлат ёзуви араб ёзуви, илм-фан тили ва ёзуви араб тили эди. Аксар аллома ва мутафаккирларимизнинг илмий, бадиий, маънавий, тарихий асарлари араб тилида ёзилди, Маъмун академияси ва Маъмун кутубхонаси фаолияти, ҳужжатлари араб тилида юритилди. X асрларнинг охирларида ҳукмронлик ўғизлар кўлига ўтди, ўғизлар салжуқийлар билан иттифок туздилар. Бу даврга келиб туркий халқлар жуда катта ҳудудни эгаллаган эди, туркий уруғларнинг катта қисми Етгисувда, қарлуқлар Марказий Осиёда, чигиллар Иссиққўлда, Иссиққўлнинг жанубида яғмолар истиқомат қилардилар. Бу ҳудуддаги туркий уруғлар ўртасида доимий ўзаро урушлар тўхтамас эди, ҳукмронлик гоҳ қарлуқларга, гоҳ чигилларга, гоҳ яғмо ёки арғуларга ўтиб турарди.

X асрнинг охирларига келиб Сомонийлар давлати ағдарилди ва давлат Қорахонийларга, X – XII асрларда, ўтди. XII асрнинг ўрталарига келиб Қорахонийлар давлати иккига бўлинди: Шарқий давлат – пойтахти – Баласоғун, кейинроқ – Қошғар, бунга Шарқий Туркистон, Етгисув, Шош, Фарғона, Суғд қарар эди, Ғарбий давлат – пойтахти – Ўзган, кейинроқ – Самарқанд, бунга Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Афғонистон, Шимолий Эрон, кейинчалик Хоразм ўлкаси қарар эди.

XI асрда Қорахонийлар давлати билан бир вақтда Ғазнада Маҳмуд Ғазнавий бошчилигидаги Ғазнавийлар давлати тузилди. Маҳмуд Ғазнавий тақводор, илмпарвар ва маърифатпарвар инсон эди, жуда кўплаб олимларга хомийлик қилди, дунё тамаддунининг бешиги Ҳиндистон эканини англаб етган Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистонга ҳам жуда кўплаб туркий олимларни, турли соҳа олимларини олиб борди, Ҳиндистоннинг қадимий (санскрит, пракрит) тилини ва бой илмий, маданий, тарихий меросини ўрганишни буюрди (Абу Райҳон

Берунийнинг оламшумул асарлари Ҳиндистон билан боғлиқ ёки Ҳиндистонда ёзилди).

Қорахонийлар давлатида давлат тили туркий, расмий ҳужжатлар туркий ва форс-тожик тилларида олиб борилса ҳам, XI – XII асрларда туркий тилда “Девону луғатит-турк”, “Қутадғу билик”, “Ҳибатул-ҳақойиқ”, “Муқаддиматул-адаб” каби фундаментал асарларнинг ёзилиши ўзбек адабий тилининг расман адабий тил сифатида шаклланганлигидан ва амалда тан олинганлигидан далолат беради.

XIII асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёга муғуллар истилоси бошланди ва бу истило XIV асрнинг иккинчи ярмигача, темурийлар давлати барпо бўлгунча давом этди. Темурийлар давлати туркий халқлар тарихида, давлат бошқарувида, маданиятида, илм-фанида, адабиёт ва санъатида, миллат тилида жуда катта из қолдирди, туркий тилнинг ижтимоий-сиёсий обрўи ошди. (Биз ким – мулки Турон, амири Туркистон биз. Биз ким – миллатларнинг энг қадими ва улуғи Туркнинг бош бўғинимиз... Амир Темур)

XV асрнинг бошларига келиб “Кўчманчи ўзбеклар давлати” вужудга келди. Бу давлат ўзбек, қозоқ ва мўғул уруғларидан (танғут, қўнғирот, дурман, найман, хитой, уйғур, қарлуқ, уйшин, манғит каби) таркиб топган эди. Бу уруғлар умумий бир ном билан “ўзбек” деб аталарди. Бу давлатнинг асосчиси Абулхайрхон (1428—1468) бўлиб, давлат 40 йил ҳукм сурди. Абулхайрхоннинг невараси Муҳаммад Шайбоний (1450—1510) XV аср бошларида темурийлар салтанатига барҳам берди, кўчманчилар маҳаллий уруғларга сингиб, ҳудудаги туркий аҳоли ҳам секин-секин “ўзбек” деб номлана бошлади. “Ўзбек” атамаси эскидан маълум бўлиб, бу ном шахс номи сифатида Нисавий Жувайний ва Рашидиддин (XIII аср) асарларида қўлланади. Олтин Ўрда хони Жўжининг наслига мансуб Ўзбекхон ҳамда илдезидлар сулоласидан бўлмиш Озарбайжон оғабекларидан бири Ўзбек номи билан аталарди. Хоразмшоҳ Муҳаммад (1200—1220) амирларидан бирининг ҳам исми Ўзбек эди. Шуниси муҳимки, Дашти қипчоқдаги “ўзбек” қабилалари Олтин Ўрда хони Ўзбекхон қўлида бўлмаган. “Ўзбек” атамаси венгерларда ҳам мартаба, ҳам унвон сифатида қўлланади (“Қушбеги”, “Отабеги” каби). Яна шуниси муҳимки, Тўхтамиш қўшинларида ҳам, Чингизхон аскарлари ичида ҳам туркий, хусусан, ўзбек қабилалари бўлган.<sup>1</sup>

Ўрта Осиёда ҳукм сурган араб, форс, мўғул тиллари маҳаллий уруғ ва қабилаларнинг этник таркибига ва тилига бирор кескин таъсир кўрсата олмади, фақат маълум даврларда араб тили илмий тил, форс тили расмий ва қисман адабий тил сифатида қўлланилди. Туркий халқлар тарихи давомида қўллаган бир неча ёзув руний, қадимги уйғур, суғд, брахма ва бошқа ёзувлар ичида кенг ва узок қўлланган араб алифбоси асосидаги ёзув бўлди. Ўзбек халқи минг йилдан зиёдрок давр давомида араб алифбоси асосидаги ёзувдан фойдаланиб келди.<sup>2</sup> Маълумки,

<sup>1</sup> Махмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. Тошкент, 2006 й., 11-б.

<sup>2</sup> Нейматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. Тошкент, 1992 й., 11-12-б.

араб алифбоси кам унлили ва кўп ундошли семит тилларига мўлжалланган. Бу тилларда чўзиқ ва қисқалиги билан фарқланувчи учта унли фонема бор: *a, u, y*. Ёзувда, асосан, чўзиқ унлилар ифодаланади, қисқа унлилар ҳаракатлар: *ost, ust* белгилари билан берилади ва ёзувда ифодаланмайди. Таъкидлаш жоизки, туркий (ўзбек) матнларида қандай бўғин бўлишидан қатъи назар унли ҳарфларнинг ёзилиши араб, форс тилларига нисбатан турғунроқдир.

Айрим ундошлар учун икки хил *m* ва *x*, уч хил *s*, тўрт хил *z* белги бор. Шунингдек, араб тилига хос бўлган чуқур бўғиз портловчиси ва саёз бўғиз портловчисини ифодаловчи “айн” ва “ҳамза” ҳарфлари бор. Бундан ташқари, араб алифбосида туркий тилларда кенг тарқалган *n, ç, z* ундошлари учун махсус ҳарфлар йўқ. Кейинчалик *ne, çim, zoʻf* ҳарфлари туркий тил алифбосига киритилган бўлса-да, улар жуда кам ишлатилган ва қўл ёзма асарларда деярли ёзилмаган<sup>1</sup>. Араб ёзувининг мукамаллиги жаҳон тилшунослигида тан олинган ҳақиқат, айти пайтда, араб ёзуви туркий ёзма матнларни ўқишда ёки бошқа ёзувга айлантиришда мутахассислардан закийлик ва зийраклик талаб қилади. Маълумки, бизгача етиб келган ёки биз тадқиқ қилаётган манбалар (деярли XIX асргача) қўлёзма характерида бўлиб, идивидуаллик касб этади, матннинг сифати (каллиграфияси) хаттотнинг маҳорати ва лаёқати билан белгиланади. (Араб тилшунослигининг жаҳон тилшунослигидаги обрўйи – тараққийсининг бир жиҳати ёзуви, каллиграфияси билан белгиланади).

Тўрт унсур қайдидан то чикмағайсен, нафъ эмас,  
Осмоний тўрт дафтарни тутайким, ёд бил (А.Н. “Ғ.С.”) Баъзи манбаларда “ёр” бил.

Тўрт унсур қайдидан то чикмағайсен – нафъ эмас,  
Осмоний тўрт дафтарни тутайким, ёр (?) бил (А.Н. “Ғ.С.”)<sup>2</sup>

- 1) Ул сафо аҳли пок фаржоми  
Покфаржому покфар Жомий.
- 2) Чун сафо аҳли покфар Жомий,  
Покфаржом-у пок фаржоми. (А.Н.)

Туркий алифбода “пок фаржоми” ҳам, “покфар Жомий” ҳам бир хил ёзилади, фақат сўзларнинг бир-биридан бир оз бошқачароқ ёзилишидан ажратилади...

Эйки, бир неш етти музийдин,  
Кўнглинга неча узайса, ётла.

Кўриниб турибдики, иккинчи мисра умуман тушунарсиз. Сабаби – ундаги “узайса” деб берилган сўз аслида “ўзи эса” дейилиши керак. Шунда байтнинг

<sup>1</sup> <https://adabiyot.islamonline.uz/ozbek-tili/grammatika-tarixi/>

<sup>2</sup> Азизов А., Валихонов А. Киноя ва мажоз луғати., Тошкент, ”Muharrir nashriyoti“ 2018 й., 12-б.

маъноси куйидагича: “Агар сенга бирор азияткунандадан, яъни озор етказувчидан кўнглингга тикан санчилса, гарчи у ўзингни бўлса ҳам, уни ўзингдан узоқ қил.”<sup>1</sup>

*“Тонгги уйқу ризқни тўсади” (Ҳадис.)*

Субҳ уйқусин улки айлади тарк,

Ризқ нурун ўзига *туш кўргай*.

Улки ғафлатдин этти навми сабуҳ,

Бу шарафни магарки *туш кўргай*. (А.Н. “Арбайн”)

Маъноси: Ким тонгдаги уйқуни ташласа, ризқ нуруни ўз томонида кўради.

Аммо тонг маҳали ғафлат босиб ухлаган киши бу шарафни тушида кўради<sup>2</sup>.

Субҳ уйқусин улки, айлади тарк.

Ризқи рўзин ўзига туш кўргай.

Улки, ғафлатдин этти навми сабуҳ.

Бу шарафни магарки, туш кўргай. (А.Н. “Арбайн”)

Яъни: тонг уйқуси ризққа монъелик қилади. Бу ердаги “туш кўрмак” ўнгида кўрмак деган маънода, охирги мисрадаги “туш кўрмак” уйқуда кўрмак дегани. Биринчи “туш” йўғон, иккинчи “туш” ингичка талаффуз қилинади<sup>3</sup>.

Раҳмат озодағаким, ул олмас, Раҳмат озодағаким, ул олмас,

Дунйию дирҳамин жави ғамға.

Даҳр динору дирҳамин ғамға.

Лек лаънат ангаки, қул бўлғай:

Лек лаънат ангаки, қул бўлғай:

Хоҳ динору, хоҳ дирҳамға<sup>4</sup>.

Хоҳ динору хоҳ дирҳамға<sup>5</sup>.

Тил ва ёзув ўзаро чамбарчас боғланган, ёзув тилнинг ёрдамчиси сифатида, тил бажариши мумкин бўлмаган масалаларни (макон ва замонга дахлдорлик) бажариш учун, соф амалий эҳтиёж натижасида вужудга келган, миллий тилларнинг шаклланишида, шубҳасиз, миллий ёзувларнинг ҳам аҳамияти мўътабар. XIV—XV асрларда қипчоқ иттифокига мансуб (жалойир, барлос, каучин, арлот, алчин, дуғлат, минг, сулдуз, манғит, қўнғирот, найман ва б. ) туркий уруғлар билан аралашуви ва турклашиш жараёни кучайди. Бу даврда ўзбек адабий тилининг ва ўзбек халқининг шаклланиш жараёни тугалланди ва фан, маданият ва адабиёт тараққий этди.

XVI—XIX асрларга келиб Ўрта Осиёда яшаётган туркийлар этник гуруҳларга ажрала бошлади ва уларнинг ўзаро савдо-сотиқ, этник ва маданий аралашуви тезлашди, натижада ўзбек уруғларининг географик қўшни яшаётган

<sup>1</sup> Ҳасанхон, Ҳусайнхон Я. Абдулмажид. “Навоийдан чу топқайлар навое”, “HILOL-NASHR” Тошкент, 2014 й., 66-67-б.

<sup>2</sup> Ҳасанхон, Ҳусайнхон Я. Абдулмажид. Юқоридаги китоб. 90-б.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Арбаъийн. Нашрга тайёрловчилар: Каримбек ва Саидбек Ҳасан. Шарҳловчи: Алибек Рустам. “Мерос”, Тошкент, 1991 й., 11-, 23-24-б.

<sup>4</sup> Ҳасанхон, Ҳусайнхон Я. Абдулмажид. Юқоридаги китоб. 81-б.

<sup>5</sup> <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/alisher-navoiy-arbain-qirq-hadis>.

тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, қарақолпоқ ва бошқа уруғлар билан аста-секинлик билан лисоний дифференциацияси бошланди.

Ўрта Осиё халқларининг мазкур лисоний дифференциация жараёнида Россия истилосининг ҳам ролини назардан соқит қилмаслик керак.

Бугунги кунда дунёда олти мингдан зиёдроқ тил мавжуд бўлиб, уларнинг баъзисида бир миллиарддан зиёдроқ, баъзисида бир неча юз аҳоли гаплашади. Бу тиллар келиб чиқиши ва шаклланиши нуқтаи назаридан генеологик ва морфологик тасниф қилинади. Умумий назарий тилшунослик асосчиларидан бири Вильгельм фон Гумбольдт дунё тилларини морфологик жиҳатдан тўртга ажратади. 1. Флектив тиллар. 2. Агглютинатив тиллар. 3. Аморф тиллар. 4. Полисинтетик тиллар. Туркий тилларни агглютинатив тилларга мансублиги айтилади. Шимолий Хитойдан бошлаб Жанубий ва Марказий Сибирь, Россия, Қозоғистон, Ўрта Осиё, Туркия, Эрон, Афғонистон, Шимолий Кавказ, Жанубий ва Шарқий Европа, Руминия, Польша, Болгария, собиқ Югославия (Сараево)гача бўлган жуда катта худудда туркий тил вакиллари яшайди ва бу тилларда 250 млн дан зиёд аҳоли сўзлашади.

Ўзбек адабий тили тарихи тараққиётини даврлаштириш масаласи ҳам жуда мунозарали масалалардан бири ҳисобланади. Бу масала бўйича В.Радлов, В.Томсен, С.Е.Малов, А.Н.Самойлович, А.К.Боровков, А.М.Шчербак, О.Усмонов, Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамов ва шу каби йирик турколог олимлар жиддий тадқиқотлар олиб борганини ўзиёқ масаланинг жиддийлигини кўрсатади. Бу масалага иккита асосий фикрни қаратиш лозим. 1. Ўзбек тили шаклланган тил деб тан олинган давргача (XI XII асрлар) ҳам ўзбек тили мавжуд эди, гарчанд бу даврга қадар ўзбек тилининг шаклланишига асос бўлган туркий қабила ва уруғларнинг тиллари амалда нисбатан қўлланса ҳам Қудратли Турк хоқонлиги, унинг тили ва ёзуви мавжуд эди. 2. Қадимги ва эски ўзбек тили VII – XIII асрларда туркий қабила ва уруғ тиллари асосида мавжуд бўлган, бу инкор қилинмайдиган ҳақиқат, бир вақтнинг ўзида бу туркий қабила ва уруғ тиллари бошқа туркий тилларнинг ҳам (қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, уйғур ва бошқ.) шаклланишига асос бўлган, бу ҳам инкор қилинмайдиган ҳақиқат. Ушбуларни ҳисобга олиб, ўзбек тилини қуйидагича тарихий жиҳатдан даврлаштириш мумкин. Биз, табиийки, “чизғични қўйиб қизил қалам билан чизиб” қатъий даврларга ажратиш фикридан йироқмиз.

1. Энг қадимги туркий тили (VI асрларгача бўлган давр)
2. Қадимги туркий адабий тили (VI – IX асрлар)
3. Эски туркий адабий тили (X –XII асрлар)
4. Эски ўзбек адабий тили (XIII – XVI асрлар)
5. Янги ўзбек адабий тили (XVII – XIX асрлар)
6. Ҳозирги ўзбек адабий тили (XX асрдан шу кунга қадар).